



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ



2023 йил 30 март

Бекобод шаҳар

4-1106-2302/454-сонли иш

Бекобод туманлараро иқтисодий судининг судьяси Д.Хасанов раислигида, З.Бекмуратованинг котибалигида, аризачи [REDACTED]

жавобгар [REDACTED]

[REDACTED] банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси юзасидан қўзғатилган иқтисодий ишни тарафлардан: аризачи вакили [REDACTED] (ишончнома асосида) иштирокидаги очиқ сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Аризачи [REDACTED] (бундан буён матнда “аризачи” деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар [REDACTED] (бундан буён матнда “жавобгар” деб юритилади) банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили судга маълумотнома тақдим этиб, жавобгар 2023 йил январь ойи учун Қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этганлигини, аризадаги ҳолатлар бартараф этилганлигини билдирди.

Жавобгар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган бўлса-да, бугунги суд мажлисида вакили иштирокини таъминламади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан кейинги матнларда ИПК деб юритилади)нинг 128-моддаси 5-қисмига кўра, агар ажримнинг кўчирма нусхаси суд томонидан электрон почта орқали ёки хабардор қилинганлик фактини тасдиқловчи бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда юборилган кундан эътиборан уч кун ўтган бўлса ушбу иштирокчи тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади.

Жавобгарга суд ҳужжати электрон шаклда юборилганлиги ва 18.03.2023 йилда қабул қилиб олганлигини тасдиқловчи маълумот иш ҳужжатида мавжуд.

Мазкур ҳолатда суд, жавобгар вакили суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор этилганлигини ҳамда низо юзасидан қарор қабул қилиш учун материаллар етарли эканлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 220-моддаси

талабларидан келиб чиқиб, ишни жавобгар вакили иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд иш хужжатларини ўқиб, аризачи вакилининг кўрсатмаларини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра аризани қаноатлантиришни рад этишни лозим топди. (Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Иш хужжатларидан кўринишича, аризада жавобгар томонидан 2023 йил январь ойи учун Қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботи 2023 йил 15 март кунига қадар тақдим қилинганлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий жўриқ кодекси (бундан буён матнда “СК” деб юритилади) 273-моддасининг биринчи қисмига кўра солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт.

Шунингдек, аризачи солиқ ҳисоботини тақдим этиш юзасидан жавобгарнинг шахсий кабинетига 2023 йил 21 февраль куни электрон шаклда хабарнома юборган. Бироқ, жавобгар ушбу хабарномани қабул қилиб олган бўлса-да, солиқ ҳисоботларини белгиланган муддатда тақдим этмаган.

СК 111-моддасининг биринчи қисмига кўра солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Шунингдек, ушбу модда учинчи қисмининг 1-бандига кўра юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда қўлланилиши мумкин.

Аризачи вакилининг судга тақдим этган маълумотномасидан кўринишича, жавобгар [REDACTED] томонидан 2023 йил январь ойи учун Қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботи иш судда кўрилган кунга қадар тақдим этилган. Ушбу ҳолат аризачи вакилининг кўрсатмалари ҳамда иш хужжатлари билан тасдиқланади.

Демак, ариза талабларига асос бўлган ҳолатлар бугунги кунга қадар, яъни иш судда кўрилгунга қадар тўлиқ бартараф этилган. Шу боис суд аризани қаноатлантириш рад этилиши лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 118-моддасининг биринчи қисмига кўра суд харажатлари ишда иштирок

этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Қайд этилганларга кўра суд, ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ўрганиб чиқиб, аризани қаноатлантиришни рад этишни, “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 19-бандига асосан аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисида қарар бўйича давлат божи тўлашдан озод этилганлигини инобатга олиб, бўйича давлат божини ундирмасликни лозим топди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 179 ва 222-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л а д и:

Аризачининг талабини қаноатлантириш рад этилсин.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддасининг 19-бандига кўра аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божидан озод этилганлигини инобатга олинсин.

Ҳал қилув қарори ўн кунлик муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози тараф шу суд орқали Тошкент вилоят судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўн кунлик муддат ичида апелляция шикоятни бериши мумкин.

Раислик қилувчи, судья

Д.Хасанов